

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа.

АРАСТУ.



# Ма'рифат

МА'РИФАТ \* ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ \* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 12 февраль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 13 (6909)

## Бугун «Ўзбекистоннинг истеъдодли болалари» Республика илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлайди

Республика илмий-амалий конференциясида болалар ва ёшларда лаёқат, қобилият ва истеъдоднинг педагогик, психологик ва психофизиологик масалалари кенг татбиқ қилинади. Унда нуфузли олимлар, таълим-тарбия соҳасида юқори натижага эришган мутахассислар иштирок этишади.

Кеча Республика истеъдод Маркази биносида конференция меҳмонлари, ташкилий қўмита аъзолари ва олимлар мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқот қатнашчилари конференция моҳияти, хусусияти, келажаги ҳақида атрафли фикр юритдилар.

Бугун талбирнинг расмий очилиш маросимидан сўнг янги мажлисда заковатли ёшлар тараққиёт манбаи, янги турдаги мактабларда истеъдодли болалар билан ишлашнинг долзарб муаммолари мавзуларида маърузалар қилинади, хорижда истеъдодли болалар билан ишлаш тажрибалари бўйича мутахассислар сўзлари тингланади.

Педагогик ва психологик диагностика масалалари ҳамда янги турдаги мактабларнинг илмий-методик ва ташкилий масалалари, лаёқатлар, қобилиятлар ва истеъдоднинг психология ҳамда психофизиологик масалалари шўба-лариди атакли олимлар, услубийчилар, лицей раҳбарлари, илгор муаллимлари бу хусусда таҳлилий фикр юритишади, ўз ишланмаларини намойиш қилишади.

13 февраль кун шўба йиғилишларидан кейин анжуман иштирокчилари А. Навоий номидаги Нафис санъат лицейи ва 309-Шарқ тиллари лицейлари фаолиятлари билан танишдилар, тажрибалар ўртоқлашди, 14 февраль кун конференциянинг ёпилиш янги мажлисида шўба раислари ҳисоботлари эшитилди. Сўнгра анжуман резолюцияси қабул қилинади, таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилади. Хуллас, конференция ўз мақомига кўра энг нуфузли анжуманлардан бири бўлиб қолади. (Илмий-амалий конференция ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида ўқийсиз).

Маълумки, «Ўзбекистон республика «Истеъдод» маркази ҳам миллиатимиз келажаги бўлмиш ёшлар орасидан иқтидорлиларни аниқлашда анчагина ишларни амалга оширди, маълум тажрибалар тушди. Бугунги буладиган конференция ҳам ана шу тушланган сониди эса маъмур ва муаммолар таҳлилига бағишланади. Энг асосийси, юртбошимизнинг юқориди тилга олинган Фармонига ҳамоҳанг бир тадбирдир. Шу муносабат билан мухбиримиз «Истеъдод» маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Ботир ҚОДИРОВ билан суҳбатда бўлди.

## ИСТЕЪДОД РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТНИНГ САЛОҲИЯТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

— «Истеъдод маркази»нинг мақсадлари Президентимиз Фармонидан кейин ўзгардими ёки айни мудоа бўлди?


— Республика истеъдод Марказининг асосий мақсади, қисқа қилиб айтганда, серфарзанд халқимиз болалари ва ёшлари орасидан ўта эҳтли, ақл-заковати ривожланган, маънавий юксак ёшларни илмий асосланган махсус психологик тестлар ёрдамида саралаб олишдир. Бизнинг танлов тизимимиз педагогик танлов усулларидан шуниси билан фарқ қиладики, биз болаларнинг лаёқат йўналишларини, ўқишга қизиқишга мойиллигини ва шу соҳада ривожлана олиш имкониятини, яъни ақлий қобилиятини ўргатамиз ва аниқлаймиз. Бугун унинг мавжуд билимлари доирасини эмас, балки ўқитса ўқий оладими, яъни ақлий ривожланиш имкониятлари ва унинг савиясини, аниқлаймиз. Шу сабабли, танлов технологиямиз асосан, психологик тестлар дастасидан иборат.

Энди Президент Фармонига биноан ташкил бўлган «Умид» жамғармасига келсак, бу жамғарма билан ҳамкорликда ишлашимиз керак, деб ўйлайман, чунки чет элларга ўз фарзандимизни ўқитишга жўнатар эканмиз, у фақат маънавий жиҳатдан

Ватан манфаатларига солиқ қолади ва бутун борлиги билан асрлар жараёнида шаклланган ўзбек миллиатининг олий инсоний ғазилатларини ўзида гавдалантирадигана эмас, балки ўзининг ўткир эҳли, интелектуал қуввати билан ўзига тамоман нотаниш бўлган вазибаларни ортиги билан бажариб кела олиши назарда тутилади. Шу муносабат билан тушунарлиқ билим тестлари, аввало, унинг бугунги ва бу ердаги тасавурларидан ахборот бераётганлиги сабабли чет элга юбориш учун ҳеч вақт старли асос бўла олмайдди. Психологик тестлар эса, бола ҳақида, унинг ривожлана олиш имкониятлари тўғрисида ақлий потенциални ҳусусида, шўбасиз, тўлароқ тасавур беради.

Шу сабабли Марказда «Умид» жамғармаси талабига жавоб бера оладиган танлов тизими тузилди ва тизим ҳар бир вилоятнинг ҳар бир тумани, ҳар бир мактаби ва ҳар бир битирувчи синфи ўқувчилардан бошлаб, энг зўкко, кўп предметлардан яхши ўқитган ўқувчиларни саралашни тақозо этади. Бу тизим тўрт босқичда ўлади ва ҳам психологик тестлар ҳам педагогик тестлардан иборат.

(Давоми 3-бетда).



## ЖУМПАДА ЖАҲОН

7 февраль кун Туркия республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Умур Апаидин, Португалиянинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жозе Пашеко Луиш Гомеш, Финляндиянинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Тайсто Вейкко Толванен Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримовга ишонч ёрликларини топширишди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида жойларда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қай даражада бажарилаётганлиги муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 11 февралдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматларини белгилади. 1-АҚШ долларининг қиймати 56 сўм 60 тийинча тенг бўлди.

Чеченistonнинг янги Президенти Аслан Масхадовнинг 12 февраль кун ўз лавозимига расман киришиши маълум қилинди. Чеченistonнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти вакилининг мамлакатдан чиқиб кетишини талаб қилаётганлигини Россия қораламоқда.

НАТОнинг Шарққа кенгайтиши Туркиянинг Европа иттифоқига тўлиқ аъзо бўлишига боғлиқ бўлиб қолди.

Афғонiston толиблар гуруҳи раҳбарлари тақлифи билан Афғонiston Академияси бошлигининг ўринбосари чет элдаги муҳожир зиёлиларга ўз ватанларига қайтишларини айтиб мурожаат этди.

## Янги мактабга янги либосда

Шароф Рашидов тумани Чуқувар қишлоғида қурилмиш 1989 йилдан буйин таътиб қолган янги 13-мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 320 ўринга мўлжалланган бу мактаб биносини Худойберди Холатов бошчилигидаги 48-механизациялашган кўча колонна қурувчилари бунёд этишди. Мактаб биноси Қишлоқ хўжалиги вазири эи ҳўмайишда қуриб битказилди.

## «ВАТАН ТУЙҒУСИ» АСАРИНИ ҲАРАНИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР 3-БЕТ.

## YANGI O'ZBEK ALIFBOSI MASHG'ULOTLARI DAVOM ETADI 2-БЕТ.

## «ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ»ДА СИНФ ПАРТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА 3-БЕТ

### Бизга жавоб берадилар

## ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ, ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Газетамизнинг шу йил 25 январь сониди чоп этилган Аскар Шокрининг «Маънавиятга элтувчи эшик» ехуд мактаб кутубхоналарининг фаолияти тўғрисида» мақоласи юзасидан Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан қуйилган мазмунда жавоб хати олинди.

Мақола 1997 йил 28 январь кунги вилоят халқ таълими бошқармасининг Кенгашида қадим қўйилди. Уқувчилар учун 500 сўмдан 650 сўмгача, ўқувчилар учун 880 сўмдан 1200 сўмгача бўлган нархаси либослар тайёрланди. Уларни тақдирчи Любовь Зотова бунёдчи қилди, бажариш қилиб тақиб беришди.

Ундан ташқари, халқ таълими тизимидидаги барча кутубхоналарини тест синопларидан утказиш, уларнинг фаолиятларини диагностика таҳлил қилиб бориш, кутубхоначилар ва ўқувчилар ёрдамида китобхоналар конференциялари, турли учрашувлар ва кечалар ўтказиб боришга қарор қилинди.

С. ҒУЛОМОВА, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

Инсон ҳаётининг энг унутилмас, беғубор ва қувончу шодликларга бой ўқувчилик йиллари ҳеч қачон хотирамизни тарк этмайди. 20-30 йил аввал тушган суратига назар ташлар экан, эсдалик альбомларини расдалар экан, синфдошлари, ўқитувчилари, ўша вақтда содир бўлган воқеаларни фароқ билан эслаб, фарзандларига ҳикоя қилиб беради.

Мен ҳам мактабимни, устозларимни кўп эсламан ва ҳозирги кунга таққослайман. Кўз ўнгимдан Тошкентдаги 133-мактабда кечган ўқувчилик йилларим ўтади. Биз адабий кечалар, учрашувлар ўтказишга ташна эдик. Сиёҳ билан рўчкада ёзсак-да, парталаримизнинг усти ярақлаб турарди. Бехос сиёҳ партагами, полгами томиб кетса, дарҳол ёнимиздан духи олиб, тезда артиб ташлардик. Устозларимиз «Мана шу — парта — ўқувчининг юзи, унинг қандайлигини партаси» дейишгани учун, келишимиз билан парталаримизни ярақлатиб артиб қўярдик. Синф хоналаримиз тоза турсин, дея мактабга кираверишда хал-

тамиздан энгил, тоза уй шиппагини олиб кийиб олардик. Ҳамма шиппақда юрарди. Кетаётганда яна шиппаки халтага солиб, кўчалик оёқ кийимимизни кийиб олардик. Қишда ҳам мактабимиз коридорлари топ-тоза турарди. Ҳар кун халтада шиппақ, китоб тўла папкани кўтариб келиш бизга малол келмас-

ди. Ҳозир эса бутунлай бошқача манзара. Ўқувчилар учрашуви, адабий кечалардан кўра карнаваллар, дискотекалар ўтказишни афзал қўрадилар. Кўпинча миллий ашулалар эмас, чет эл эстрадасини тинглайдилар. Ёзма иш учун ака-укаларидан рўчка сўраб юрадилар. Ёзишга рўчка топилмайди, аммо парта усти ёзувга тўла, бир сўз билан айтганда: «Севги дostonи». Ҳатто дафтар ичи ва юзи турли маркадаги машиналар, мультфильмлар қаҳрамонлари сурати билан тўла. Кўпчи-

лик ўқувчиларда папка йўқ, кўйинидаги биттагина дафтарда «барча фан» бор. Эртага улар мактаб дaвридан шуларни эслашади-ми? Эссиз, ёшлик дамлари, беҳуда умр!

Мени ташвишлантирадиган яна бир муаммо бор. Борган сари ўқув предметлари кўпайиб бормоқда. Биргина 7-синф ўқувчилари 17 фани ўқишади. Албатта, ҳар бири керакли фан. Шулар қаторига яна кўшимча киритиб бўлмайди. Аммо шундай ўрганилиши керак бўлган дарслар борки, буни ҳар бир фан ўқитувчиси билиши лозим. Мактабда қўллаб тадбирлар ўтказилади. Биз ўқитувчилар уларнинг мазмунига эътибор бермоғимиз зарур.

Ҳинда «Бўш келманг, қизлар!» танлови ўтказмоқчи бўлдики ва қизларга тан-

лов шартларини айтдим. Танловгача уларнинг тайёргарликларини кўрмоқчи бўлдим. «Соч турмаклаш» шарти бўйича қизлар кесилган сочлар қизлар хуснига хусн қўшади деб, турли урфда қирқилган сочни «укладка», «фен билан шишириш», «плойка қилиш» кабиларни танлашибди. Мен уларга узун сочни қизларни танлаб, улар сочини битта, иккита ва майда — 40 кокил қилиб ўриб, дўппи кийдиришни маслаҳат бердим. Танлов кун улар ҳар қанча машқ қилганларига қарамай, миллий соч ўримишни зўрға бажардилар. Негаки, бундай соч ўрими (ҳатто сочини ўзи ҳам) урфдан чиқиб кетаётган эди-да!

(Давоми 2-бетда).

## ЯЛЛА ЭМАС, АЛЛА БЕЛАСИЗМИ?

Борган сари ўқув предметлари кўпайиб бормоқда. Биргина 7-синф ўқувчилари 17 фани ўқишади. Албатта, ҳар бири керакли фан. Шулар қаторига яна кўшимча киритиб бўлмайди. Аммо шундай ўрганилиши керак бўлган дарслар борки, буни ҳар бир фан ўқитувчиси билиши лозим. Мактабда қўллаб тадбирлар ўтказилади. Биз ўқитувчилар уларнинг мазмунига эътибор бермоғимиз зарур.

Уғлимиз куш ясашни ўрганиб олибдику! Зокир УСМОНОВ чизган сурат.

МММ НАВОЙИ ХАЗИНАСИ Шу кунларда юртимизда ўзбек халқининг буюк мутафаккири, сўз мулкунинг султони бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 556 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Тошкент Молия институтидида «Навоийнинг мангу мероси» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуманда филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Хайитметов ҳамда навоийшунос олим Содирхон Эркиновлар қатнашиб, талабаларни бобомизнинг ўлмас серқирра ижодий йули билан таништирдилар. Кеча сўнггида институт талаба ва мураббийлар ҳамкорлиқда тайёрлаган бадий чикишлари бўлди.

ТАМАННИНГ ИЛГОР МАКТАБИ Чортоқ туманида ўтказилаётган энг яхши мактаб кўрик-танлови якунланди. Бунда мактабларга барча соҳалар бўйича баҳо берилди. Таълим-тарбия ишлари, халқ хўжалиги режаларининг бажарилиши, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турли танловларда иштироки — ҳамма-хаммаси талабачан ишқамлар томонидан қуриб чиқилди.

ТАМАННИНГ ИЛГОР МАКТАБИ Танлов натижасига қўра тумандаги 31-урта мактаб йилнинг энг яхши илм маскани деб топилди. Яқинда Бука шаҳридаги С. Абдуқодиров номли 2-урта мактабнинг 1-синф ўқувчилари учун «Алифбе» китобининг тугашига бағишлаб туман Маданият саройида «Саводхонлик байрами» бўлиб ўтди. Кечани мактабнинг собиқ ўқувчиси, ҳозирда ҳоким муовини Пулат Абдуллазизов очиб, кечага келган барча меҳмонларга, ўқитувчи ва ўқувчиларга эзгу тилақларини билдирди. Жажи бола- жонлар ўқитувчилари ёрдамида ўрганган ҳар бир ҳарфга тегишли шеър ва топишмоқларини ижро этишиб, йиғилганларни хушнуд этишди. Байрамга таширф буюрган ота-оналар фарзандларига таълим-тарбия бераётган мураббийларга омадлар тилашиб, ўз эсдалик совғаларини топширдилар.






«МАЪРИФАТ» КЎШИКЛАР КЎРНИК-ТАНЛОВИГА

ЎЗБЕГИМ

Армон билан ўтган боболар ҳаққи, Ҳридан тул қолган момолар ҳаққи Ота меҳрига зор фарзандлар ҳаққи, Истиқлолнинг асра, асра ўзбегим!



Наргиза БЕГИМКУЛОВА, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 51-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Кеча келгундир дебон ул сарви гулру келмади... Рубоб симларидан инграниб-тулган таралаётган бу сеҳрли нидо, сахнадан оқиб тушиб, зални гарқ қила бошлади.

ректори Абдунаби Орипов, шох Хусайн Бойқаро ролини ижро этган ўқувчи Шуҳрат Нуралиевлар сузни жозибали айта билиш қобилияти билан у улғу шажаранинг нафақат зохири, балки ботиний қиёфаларини ҳам томошабинлар нигоҳида жонлантира олишди.

Мухсин Қодиров, институт проректори Ҳамидулла Иқромов, туман «Қамолот» жамғармаси раиси Усмон Тожибеков, туман мактаблараро ўқувчилик чикариш комбинати директори Саид Абдуллаев, шунингдек, мактабнинг солиқ ўқувчилари, ота-оналар иштирақ этишди.

Энди мактабда бошланғич синфларнинг «Саводхонлик» байрами бошланган эди. Бу сафар яқиндагина мактабга қадам қўйган «В» синф ўқувчилари байрам мезбонлари бўлишди.

ПИЁДА ТЎРГАЧИКДИ Вильностаги қиш инжиқликлари шаҳар ҳокимини марказда автомобиллар ҳарақати таъқиқлари қарашга олиб келди. Гап шундаки, бу ердаги баланд-баланд иморатлардан эриб тушадиган сумалаклар йўловчиларга жароҳат етказиб бошлади.

Биология фанлари доктори, профессор Акбар Гафуров билан биринчи бор суҳбатлашганимиз ўзининг ҳар бир сўзида фанга, илмга чўккун муҳаббат жо-жаъ эдики, илм йўлида иғна билан қудук казганиликларини англаб етдим.

Дарҳақиқат, домла Акбар Гафуровнинг ҳаёт йўлига назар ташланса, бугунги ёшларга ибрат бўлувчи жуда кўп нуқталарни кўриш мумкин. Яна шунга ҳам айтиш жоизки, у кишининг тарғибига қўйилган бошқаларникига ўхшаган ва ўхшамаган жиҳатлар талайгина.

Ушшаган жиҳатлари: ҳар бир фан кишини босиб ўтиши лозим бўлган мактаб, техникум, институт ёки университет, сунгра аспирантура, худлас, узлуқсиз ўқишлар, илмий изланишлар...

Ушшамаган жиҳатлари эса ҳали қанча эганимиз йиллардан борганлиги, фанининг са-ноқли олимларига қул урган соҳасидаги далил ишти-лишлари. Бу йўлдаги курашлар...

Урта Осиё давлат университети тугатган Акбар ака 1948 йилда аспирантурада қолади. Ёш илм фидойисининг биология фани билан ҳамбарчас боғлиқ ҳаёти худди шу заъл бошланади.

1952 йили Ўзбекистон Маориф вазирлигининг йўлнамаси билан Низоимий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ишга ке-

либ, педагогик фаолиятини бошлаган Акбар Гафуров то 1992 йилгача шу институтда катта ўқитувчи, декан, кафедра мудири вазифаларида фаолият кўрсатди. Бу давр мобайнида олдий илмий ходимдан профессор даражасига етди.

Кели келганда таъкидлаш жоизки, бу йиллар Акбар Гафуров учун илмий ва ижодий изланишлар йили бўлди. 100 дан ошмиқ илмий-услубий мақола-

ларидан бири, биологик атамаларнинг соф ўзбекча вариантда кулланилиши бўлса, иккинчи хусусияти муаллифнинг биология фанининг учта тармоғи, яъни генетика, эволюцион таълимот ва биология ўқитиш методикасидан чўккун билмага эга эканлигидан ва бунга ўқувчи-га етказиб бера олганлигидан.

Хабар қилишимизга кўра, ушшаган жиҳатлари: ҳар бир фан кишини босиб ўтиши лозим бўлган мактаб, техникум, институт ёки университет, сунгра аспирантура, худлас, узлуқсиз ўқишлар, илмий изланишлар...

Ушшаган жиҳатлари: ҳар бир фан кишини босиб ўтиши лозим бўлган мактаб, техникум, институт ёки университет, сунгра аспирантура, худлас, узлуқсиз ўқишлар, илмий изланишлар...

Ушшамаган жиҳатлари эса ҳали қанча эганимиз йиллардан борганлиги, фанининг са-ноқли олимларига қул урган соҳасидаги далил ишти-лишлари. Бу йўлдаги курашлар...

Урта Осиё давлат университети тугатган Акбар ака 1948 йилда аспирантурада қолади. Ёш илм фидойисининг биология фани билан ҳамбарчас боғлиқ ҳаёти худди шу заъл бошланади.

1952 йили Ўзбекистон Маориф вазирлигининг йўлнамаси билан Низоимий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ишга ке-

либ, педагогик фаолиятини бошлаган Акбар Гафуров то 1992 йилгача шу институтда катта ўқитувчи, декан, кафедра мудири вазифаларида фаолият кўрсатди. Бу давр мобайнида олдий илмий ходимдан профессор даражасига етди.

Кели келганда таъкидлаш жоизки, бу йиллар Акбар Гафуров учун илмий ва ижодий изланишлар йили бўлди. 100 дан ошмиқ илмий-услубий мақола-

ларидан бири, биологик атамаларнинг соф ўзбекча вариантда кулланилиши бўлса, иккинчи хусусияти муаллифнинг биология фанининг учта тармоғи, яъни генетика, эволюцион таълимот ва биология ўқитиш методикасидан чўккун билмага эга эканлигидан ва бунга ўқувчи-га етказиб бера олганлигидан.

Хабар қилишимизга кўра, ушшаган жиҳатлари: ҳар бир фан кишини босиб ўтиши лозим бўлган мактаб, техникум, институт ёки университет, сунгра аспирантура, худлас, узлуқсиз ўқишлар, илмий изланишлар...

СЕВИМЛИ ВА ТАНИҚЛИ САНЪАТКОР ҲАҚИДА



Зикир Мухаммаджонов таъзим. Мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам буюк ўзбек санъат ар-боби, халқ артисти. Давлат мукофотлари совриндори Зикир Мухаммаджоновни қалбдан севадилар, чунки яратган улғу шоир Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, буюк давлат арбоби Амр Темур, астроном Мирзо Улугбек сиймолари барча-барчанинг қалбидан жой олган. Айниқса, уни биринчи ўз-




Тошкент шаҳар Акмал Иқромов туман халқ таълими бўлими ва 106-мактаб жамғармаси.



Тошкент шаҳар Акмал Иқромов туман халқ таълими бўлими ва 106-мактаб жамғармаси.



Тошкент шаҳар Акмал Иқромов туман халқ таълими бўлими ва 106-мактаб жамғармаси.



Тошкент шаҳар Акмал Иқромов туман халқ таълими бўлими ва 106-мактаб жамғармаси.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси.

«МАЪРИФАТ» ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси.

Ма'рифат

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси.

Бош муҳаррир

Ҳалим САИДОВ

НАВОИЙ ҚИТЪАЛАРИ

ндир, чиндан ҳам, кийишга қавуши бўлмастлиги мумкин. Лекин у бундан ўқинмасин, чунки, ахир, дунёда юришга оғи йўқлар ҳам бор-ку. Албатта, бу қитъадаги қаш, ҳам, юришга оғи йўқ киши ҳам — образ. Делиқмоқчики, сизда нимадир етишмаса, кўп ҳам қуйнаверманг, негаки, ҳаётда сиздан ҳам оғирроқ аҳволда яшайдиган кишилар бор. Шунинг учун инсонда ҳаммаша шўк бўлиши керак. Шўк эса оламни сабр қилишига ундайди. Халқ билиб айтган: Сабринг таги — сариқ олтин. Навоийнинг бу насихати ҳозир ҳам ҳаммага керак. «Ноқасу ноқис авлод...» қитъаси. Навоий умри бунга ҳаётини, жамиятини, одамларни қуздигани, улар ҳақида худосалар қила боргани рости. Бундай ҳўк-худосалар баёни учун эса қитъа энг қудай жанр эди. «Ноқасу ноқис авлод...» деб бошланган қитъа ҳам ана шундай шоирона худосалардан бири. Навоий сарлавҳадақ қитъада нима ҳақда сўз боришини айтиб қўя қолади: «Ноқасу киши бўлмастлиқ ва ноқис киши жинис бўлмастлиқ». Сарлавҳа қитъа ноқас, яъни пасткаш кишининг яхши одамга айланмаслиги, ноқис (жинси бошқа, яъни ҳайвон; кўчма маънода: ёмон) одамга жинс (зот; кўчма маънода, шерик, дарҳаш, дўст) бўлмастлиги ҳақида эканини билдиради. Бу маъзун шеърда янада таъсирчан жараңлайди: (Боши газетамизнинг ўтган сониди).

Маърифат

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси.